

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖУЗБАЕВ АБАТБАЙ ОТЕБАЕВИЧ

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит
08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation the abstract Doctor of Philosophy (PhD)
in economics sciences**

Жузбаев Абатбай Отебаевич

Кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштириш
механизмини такомиллаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси
мисолида) 3

Жузбаев Абатбай Отебаевич

Совершенствование механизма финансирования деятельности
субъектов малого бизнеса (на примере Республики Каракалпакстан) 29

Juzbaev Abatbay Otebaevich

Improving the mechanism for financing activities of small businesses
(evidence from the Republic of Karakalpakstan) 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 59

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖУЗБАЕВ АБАТБАЙ ОТЕБАЕВИЧ

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит
08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Iqt834 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Гафуров Убайдулло Вахабович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Бурханов Ақтам Усманович иқтисодиёт фанлари доктори, доцент Абдуллаев Ахрор Жаҳбарович иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент молия институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.1.16.01 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил «14» 09 соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 233-60-01; e-mail: tsue@tsue.uz.


Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1180 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-28-72; e-mail: tsue@tsue.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «31» 08 кун тарқатилди.
(2022 йил «31» 08 даги 39 - рақамли реестр баённомаси).




Н.Х. Жумаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор


Б.Т. Бердияров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., профессор


С.К. Худойкулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобал рақобатнинг кучайиб бориши шароитида кўплаб мамлакатлар ўзининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш, миллий ва халқаро миқёсдаги рақобатбардошлигини оширишда кичик бизнесдан самарали фойдаланмоқда. Бу борада кичик бизнес субъектлари фаолиятидаги асосий муаммо ҳисобланувчи молиялаштириш механизмини такомиллаштиришга эътибор қаратилмоқда. “Европа Иттифоқининг барча давлатлари турли дастаклардан фойдаланган ҳолда кичик ва ўрта бизнесга молиялаштириш манбаларига эришишда ёрдам кўрсатади. Айрим давлатлар (Буюк Британия, Нидерландия ва бошқалар) асосан қарз олишда кафолат таъминоти тизимга эътибор қаратади. Аксарият мамлакатлар кичик ва ўрта бизнесни субсидия ёки инвестициялар учун фискал имтиёзлар, имтиёзли қарз ёки дотациялар воситасида қўллаб-қувватлаш учун махсус захиралар ташкил этади”¹. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш ўз навбатида мазкур соҳа самарадорлигини ошириб, иқтисодиётнинг барқарорлигини янада мустаҳкамлашга таъсир кўрсатади.

Жаҳонда кичик бизнес субъектларини молиялаштиришда давлат томонидан тақдим этилувчи имтиёзли кредитлаш, субсидиялаш, солиқ ва амортизация дастурлари ҳамда кичик бизнес соҳасига йўналтирилаётган бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишни тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Молиялаштириш воситаларини диверсификациялаш, субсидия, дотация, кредит кўринишидаги бевосита молиявий ёрдам кўрсатиш, тижорат банклари кредитлари бўйича кафолатлар бериш, қўллаб-қувватлашда иштирок этган молиявий ташкилотларни компенсациялаш билан бир қаторда билвосита молиявий ёрдам бериш, кичик корхоналарни имтиёзли солиққа тортиш ва солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш, жадаллаштирилган амортизациянинг оптимал меъёрларини белгилаш, кичик бизнес фаолиятида лизинг тизимидан самарали фойдаланиш кабилар муҳим тадқиқот йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка иқтисодий ислохотлар ҳамда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий бўғинларидан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Мазкур соҳа аҳоли турмуш даражасини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини кўпайтириш, иқтисодиётда рақобат муҳитини кучайтириш, унинг таркибий тузилишини такомиллаштириш ҳамда ишлаб чиқаришни диверсификациялаш жараёнларининг муваффақиятли амалга оширилишида муҳим ўрин тутаяди. Бу борада асосий муаммо – “қулай молиялаштириш тизимини ташкил этиш мақсадида кичик бизнес лойиҳаларига 20 триллион сўм йўналтирилиши белгиланди. Бундан ташқари, тижорат банклари халқаро молия институтларидан ҳам маблағлар жалб этади. Тадбиркорлик жамғармаси

¹ Филиппов М.Э. Государственная поддержка малого и среднего бизнеса в странах Европейского Союза: проблемы и пути решения // Ученые записки Санкт-Петербургского филиала РТА. Межвузовская трибуна. С.157. - <https://cyberleninka.ru/article/n/gosudarstvennaya-podderzhka-malogo-i-srednego-biznesa-v-stranah-evropeyskogo-soyuza-problemy-i-puti-resheniya>

томонидан кафиллик бериш имкониятлари қўшимча 2 баробарга оширилади. Натижада камида 15 минг нафар тадбиркорнинг кредит олишдаги гаров масаласи ҳал бўлади”². Кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш учун унинг барқарор ишлашига тўсқинлик қилувчи омиллар таъсирини камайтириш, фаолиятни кредитлаш самарадорлигини кредит ажратишдаги асосий талаблар жиҳатидан баҳолаш, молиялаштириш жараёнларида иштирок этувчи томонларнинг иқтисодий манфаатдорлиги муштарақлиги ҳамда иқтисодий ва маъмурий дастакларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлашнинг услубий асосларини тадқиқ этиш тақозо этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2022 йил 9 июндаги ПФ-150-сон “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”, 2022 йил 21 январдаги ПФ-54-сон “Республика ҳудудларида тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сон “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2022 йил 19 апрелдаги ПҚ-212-сон “Ҳудудларда тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш механизмларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 27 октябрдаги ПҚ-5268-сон “Тадбиркорлик субъектларининг хорижий валютадаги кредит мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ юқини камайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5087-сон “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 15 октябрдаги ПҚ-3970-сон “Тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2017 йил 17 августдаги ПҚ-3225-сон “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

² Президентнинг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти: янги ташаббуслар, қулайлик ва енгилликлар. - https://uza.uz/uz/posts/prezidentning-tadbirkorlar-bilan-ochiq-muloqoti-yangi-tashabbuslar-qulaylik-va-engilliklar_401116

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришда кредитлашнинг турли жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар А.Агафонов, К.Брюмер, И.Власов, С.Лебедева, Ю.Захарова, А.Стахнюк, А.Жоли, М.Оранова, В.Сафарян, Д.Савинова, Д.Гейл, Ж.Синки, М.Юнус, С.Федоров, Ф.Аллен, Э.Блуа ва бошқалар томонидан ўрганилган³.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан И.Алимардонов, О.Арипов, А.Баймуратов, А.Бурханов, У.Гафуров, Л.Зойиров, Ж.Исаков, И.Рахманов, Д.Таджибаева, Қ.Тўхсанов, Н.Урманова, Д.Юлдашев, Н.Юсупова ва бошқаларнинг илмий ишларида кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришнинг айрим илмий-назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган⁴.

Аммо юқорида қайд этилган иқтисодчи олимлар томонидан кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштириш механизмини такомиллаштиришнинг илмий-услубий ва амалий масалалари мустақил диссертацион тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;

кичик бизнес корхоналарида молиялаштириш механизмининг таркибий қисмлари, асосий дастак ва воситаларини аниқлаш;

кичик бизнес корхоналарида молиялаштириш механизми самарадорлигини баҳолашнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш;

³ Стахнюк А.В. Малый бизнес: проблема доступности кредитов//Деньги и кредит. – Москва, 2010. - №3. - С. 23-26.; Сафарян В.Р. Факторинг как источник финансирования малых предприятий//Деньги и кредит. – Москва, 2013. - №2. – С. 71-73.; Савинова Д. В. О формировании механизма привлечения кредитных ресурсов в малый бизнес // Деньги и Кредит.-Москва, 2009. - № 5. – С. 59-63.; Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – 1018 с.; Мухаммад Юнус, Алан Жоли. Создавая мир без бедности: социальный бизнес и будущее капитализма. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишерз, 2010. – 307 с.; Федоров С.Л. Микрокредитование как инструмент поддержки экономической активности сельского населения//Деньги и кредит. – Москва, 2004. – № 1. – С. 51-57.; Шумпетер Й.А. Основы предпринимательства. Пер. с нем. – М.:Дело, 1974. – 274 с.; Allen F., Gale D. Comparing Financial Sestems. – Cambridge, Mass: MIT Press, 2000. – 519 p.; Chanel-Reynaud G., Bloy E. La Banque et le risqué PME. – Presses Universitaires de Lyon, 2001. – 190 p.

⁴ Боймуратов А.Д. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини банклар томонидан кредитлаш амалиётини такомиллаштириш йўналишлари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2008.-16 б.; Рахманов И.Х. Ўзбекистон Республикасида микромолиявий хизматларни такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 19 б.; Таджибаева Д.А. Микрофинансирование в Центральной Азии: теория, практика и перспективы развития. – Ташкент: KONSUDITINFORM-NASHR, 2011. – 256 с.; Таджибаева Д.А. Муминов И.О. Микрофинансирование: руководство для микрофинансовых организаций. – Ташкент: Молия, 2009. – KONSUDITINFORM-NASHR, 2011. – 256 с.; Исаков Ж.Я. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кредит самарадорлигини ошириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – 28 б.; Зойиров Л.С. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини лизинг асосида молиялаштиришни такомиллаштириш. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореферати. – Тошкент, 2011. – 20 с.; Урманова Н.Р. Перспективы развития микрофинансирования в Узбекистане. Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. к.э.н. – Ташкент, 2012. – 23 с.

Қорақалоғистон Республикасида кичик бизнес субъектлари фаолиятининг асосий иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

республикадаги кичик бизнес корхоналари фаолиятини молиялаштиришдаги асосий тенденция ва йўналишларни аниқлаш;

республикадаги кичик бизнес корхоналарида молиялаштириш механизмининг самарадорлиги даражасини баҳолаш;

Қорақалоғистон Республикасида кичик бизнес фаолиятини молиялаштиришда иқтисодий манфаатдорлик тамойилларини кучайтириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришда инновацион фаолиятни рағбатлантириш чора-тадбирларини такомиллаштириш;

кичик бизнес субъектларининг молиявий ресурслар бозоридаги иштирокини таъминлаш йўллари тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақалоғистон Республикасидаги кичик бизнес субъектлари фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштириш механизмларини такомиллаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияни тайёрлаш жараёнида анализ ва синтез, илмий абстракциялаш, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш ва таққослаш, статистик прогнозлаштириш, корреляцион ва регрессион таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштириш таркибий қисмлари, асосий дастак ва воситаларининг ўзига хос механизм сифатида барқарор ишлашига тўсқинлик қилувчи “ички зиддият” тавсифи аниқланиб, унинг таъсирини ҳар бир муайян ҳолатдаги етакчи молиявий дастакнинг амал қилишига устуворлик бериш орқали камайтириш таклиф этилган;

кичик бизнес субъектлари фаолиятини кредитлаш самарадорлигини кредит ажратиш триадаси жиҳатидан ҳар бир жараёнга махсус микдорий тавсиф бериш орқали баҳолаш таклифи асосланган;

худуддаги тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватловчи органлар томонидан молиялаштириш жараёнлари иштирокчиларининг манфаатларини “иқтисодий манфаатдорлик призмаси”дан ўтказиш ҳамда уларни ўзаро мувофиқлаштириш асосида молиялаштириш ҳажмини ошириш таклифи асосланган;

худудий молиявий ташкилотлар томонидан кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришдаги иқтисодий ва маъмурий дастакларнинг даврий мониторинги асосида ўзаро мувофиқлигини таъминлаш орқали молиялаштириш механизмининг самарадорлигини ошириш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини очиб берилиб, уларнинг молиялаштириш механизмига таъсир йўналишлари аниқланган;

кичик бизнес корхоналарида молиялаштириш механизми самарадорлигини баҳолашнинг муаллифлик услуги асосида Қорақалоғистон

Республикаси шаҳар ва туманларида соҳани кредитлаш ҳолати таҳлил қилинган;

Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнес фаолиятини молиялаштириш жараёнларини фаоллаштириш ҳамда механизмини такомиллаштиришда манфаатдор ва масъул идоралар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш чора-тадбирлари тақлиф этилган;

кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришда инновацион фаолиятни рағбатлантириш чора-тадбирларини такомиллаштириш;

кичик бизнес субъектларининг молиявий ресурслар бозоридаги иштирокини таъминлаш бўйича илмий-амалий тақлифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда олинган илмий натижаларнинг ишончлилиги унда илгари сурилган илмий-назарий хулоса ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, фойдаланилган маълумотларнинг расмий манбалар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Статистика бошқармаси статистик тўпламлари ва даврий ҳисобот маълумотларидан олинганлиги, хулоса ва тақлифларнинг амалиётда жорий қилинганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан маъқулланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда илгари сурилган назарий ва услубий қоидаларнинг кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштириш механизмларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотларнинг илмий аппаратини такомиллаштиришда, иқтисодий фаолият турларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида тармоқларда кичик бизнес субъектларини ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда молиялаштириш механизмларининг концептуал асослари, усуллари ва моделларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда илгари сурилган илмий тақлифлар ва амалий тавсиялардан мамлакат ҳудуд ва тармоқлари бўйича кичик тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш дастурларини такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш, шунингдек, олий ўқув юртларида «Молия», «Молиявий менежмент», «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» фанлари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган тақлифлар асосида:

кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштириш таркибий қисмлари, асосий дастак ва воситаларининг ўзига хос механизм сифатида барқарор ишлашига тўсқинлик қилувчи “ички зиддият” тавсифи аниқланиб, унинг таъсирини ҳар бир муайян ҳолатдаги етакчи молиявий дастакнинг амал қилишига устуворлик бериш орқали камайтириш тақлифидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгашининг Молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича котибияти томонидан 2021 йилда янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида йўл

харитасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгашининг Молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича котибиятининг 2022 йил 18 апрелдаги 232-сон маълумотномаси). Мазкур илмий натижанинг амалиётга жорий этилиши натижасида ҳудудлардаги кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштириш ҳажми кенгайди, тадбиркорлар томонидан молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ошган;

кичик бизнес субъектлари фаолиятини кредитлаш самарадорлигини кредит ажратиш триадаси жиҳатидан ҳар бир жараёнга махсус миқдорий тавсиф бериш орқали баҳолаш таклифидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгашининг Молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича котибияти томонидан 2021 йилда янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида йўл харитасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгашининг Молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича котибиятининг 2022 йил 18 апрелдаги 232-сон маълумотномаси). Мазкур илмий натижанинг амалиётга жорий этилиши натижасида республикада етарли даражада молиялаштирилмаётган шаҳар ва туманлар ҳамда иқтисодий фаолият турлари аниқланиб, уларга қўшимча маблағлар ажратиш бўйича чоралар белгиланган;

ҳудуддаги тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватловчи органлар томонидан молиялаштириш жараёнлари иштирокчиларининг манфаатларини “иқтисодий манфаатдорлик призмаси”дан ўтказиш ҳамда уларни ўзаро мувофиқлаштириш асосида молиялаштириш ҳажмини ошириш таклифидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгашининг Молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича котибияти томонидан 2021 йилда янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида йўл харитасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгашининг Молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича котибиятининг 2022 йил 18 апрелдаги 232-сон маълумотномаси). Мазкур илмий натижанинг амалиётга жорий этилиши натижасида республикадаги кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришдан манфаатдор томонларнинг фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш орқали молиялаштириш ҳажмини кенгайтириш ҳамда тадбиркорлар томонидан молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ошириш имконига эришилган;

ҳудудий молиявий ташкилотлар томонидан кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришдаги иқтисодий ва маъмурий дастакларнинг даврий мониторинги асосида ўзаро мувофиқлигини таъминлаш орқали молиялаштириш механизмнинг самарадорлигини ошириш таклифидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгашининг Молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича котибияти томонидан 2021 йилда янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида йўл харитасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгашининг Молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича котибиятининг 2022 йил 18 апрелдаги 232-сон

маълумотномаси). Мазкур илмий натижанинг амалиётга жорий этилиши натижасида иқтисодий ва маъмурий дастакларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш орқали молиялаштириш ҳажми кенгайиб, тадбиркорлар томонидан молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ошиши, молиялаштириш механизмининг такомиллашишига имкон яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий конференцияда муҳокама қилинган, жумладан, 2 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, асосий ҳажми 126 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва илмий аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг республикада олиб борилаётган фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, унинг илмий янгиликлари ва амалий натижалари изоҳлаб берилган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришнинг назарий-услубий асослари**» номли биринчи бобда кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришнинг назарий-услубий асослари, жумладан, кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, молиялаштириш механизмининг таркибий қисмлари, асосий дастак ва воситалари, кичик бизнес корхоналарида молиялаштириш механизми самарадорлигини баҳолашнинг услубий асослари тадқиқ этилган.

Кичик бизнес корхоналарининг ўз фаолиятларининг барқарорлигини, юқори самарадорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашларида энг муҳим ва асосий жараёнлардан бири молиялаштириш ҳисобланади. Хўжалик фаолиятининг тўғри ва самарали молиялаштирилиши корхонанинг жорий ва истиқболдаги натижаларини белгилаб беради.

Энг аввало, таъкидлаш лозимки, кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришнинг асосий ўзига хос жиҳати – бу талаб этиладиган молиявий маблағ ҳажмининг нисбатан катта бўлмаслиги ҳисобланади. Чунки, кичик бизнеснинг асосий тавсифловчи томони – бу унинг иқтисодий фаолият кўрсаткичларининг чекланганлигидир. Масалан, жаҳон тажрибасига кўра, кичик бизнес корхоналари фаолиятининг ишловчилар сони, капитал (асосий

воситалар) қиймати, айланма (оборот) ҳажми, сотувдан тушумлар (ялпи даромад) ҳажми каби кўрсаткичларининг миқдорий чегаралари белгилаб қўйилган бўлади. Бундан кўринадики, асосий фаолият кўрсаткичларининг чекланганлиги уларни ҳаракатга келтириш учун зарур бўлган молиявий ресурслар ҳажмининг ҳам нисбатан чекланган миқдорда бўлишига олиб келади.

Шунингдек, иқтисодий манбаларда кичик бизнес корхоналарини молиялаштиришнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари ажратиб кўрсатилади:

- 1) молиялаштиришнинг кўп даражали ва кўп манбали эканлиги;
- 2) давлатнинг махсус дастурлари асосида молиялаштиришнинг катта аҳамиятга эгалиги;
- 3) бюджет манбаларидан субсидия, субвенция ва грант кўринишидаги тўловсиз молиявий ёрдам берилиши;
- 4) бюджетдан ташқари манбалардан банк кредити, лизинг, франчайзинг каби тўловли молиявий ёрдамлардан фойдаланиш;
- 5) корхонанинг хўжалик фаолияти жараёнида шаклланувчи молиявий ресурсларнинг кўзда тутилиши.

В.А.Черненко, Д.О.Омарова ҳозирги шароитда кичик бизнесни молиялаштиришнинг қуйидаги тамойилларини ажратиб кўрсатадилар: ўзини ўзи молиялаштириш; манфаатдорлик; манзиллилик; молиявий ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлиги; режалилик ва иқтисодий жавобгарлик; риск даражасини ҳисобга олиш; ҳуқуқий жавобгарлик; кичик бизнес устунликларини ҳисобга олиш; ижтимоий жавобгарликнинг давлат томонидан таъминланиши⁵.

Кичик бизнес корхоналари фаолиятини молиялаштириш – бу корхона фаолиятни ташкил этиш, амалга ошириш ва ривожлантириш учун зарур бўлган молиявий маблағлар билан таъминлашдир. Молиялаштириш манбалари – бу корхона фаолиятига доимий ёки вақтинчалик пул оқимларини жалб этишни таъминловчи ресурслар ҳисобланади.

Кичик бизнес субъектлари ташкилий-иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароит ҳамда хизматлардан фойдаланишида кўплаб тўсиқ ва муаммолар учрайди. Жумладан:

ушбу соҳа вакиллари ўз фаолиятини ташкил этишда аксарият ҳолларда молиявий маблағларнинг етишмаслиги муаммосига дуч келадилар;

кичик бизнес субъектлари учун ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари фаолиятини мустақил йўлга қўйиш катта маблағ талаб этади;

кўпинча кичик бизнес субъектларида ушбу хизматлардан мунтазам равишда фойдаланиш учун эҳтиёж мавжуд бўлмаслиги мумкин ва ҳ.к.

Диссертация ишида кичик бизнес корхоналари фаолиятини молиялаштиришнинг ички (корхонанинг хусусий маблағлари, жумладан, соф фойда, амортизация ажратмалари, мулкдан олинadиган даромадлар ва бошқ.) ҳамда ташқи (банк кредити, лизинг, инвестициялар, давлат субсидиялари, қимматли қоғозлар эмиссияси ва бошқ.) манбаларининг афзаллик ва камчиликларига оид асосий жиҳатларнинг таққослама таҳлили амалга

⁵ Черненко В.А., Омарова Д.О. Финансирование малого бизнеса в Российской Федерации: монография / В.А. Черненко, Д.О. Омарова. – СПб.: Астерион, 2016. – 173 с. – С.44.

оширилган.

Кичик бизнес корхоналари фаолиятини молиялаштиришнинг ташқи манбалари қаторида самарали ва энг кенг тарқалгани тижорат банклари кредити ҳисобланади. Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, тижорат банклари йирик корхоналар билан таққослаганда кичик бизнес субъектларига кредит беришдан у қадар манфаатдор бўлмайдилар. Бунинг асосий сабабларини қуйидагилар орқали изоҳлаш мумкин:

кичик бизнес субъектлари иқтисодий фаолиятининг беқарорлиги натижасида кредитнинг қайтмаслик хатарининг юқорилиги;

кўпинча кредитлаш ҳажмининг катта бўлмаслиги сабабли, тижорат банклари томонидан тақдим этилаётган кредит ресурси бирлигига тўғри келувчи харажатларнинг юқори бўлиши;

кичик бизнес субъектларида аксарият ҳолларда ликвидли гаров мол-мулклари, ижобий кредит тарихининг мавжуд бўлмаслиги ва ҳ.к.

Турли мамлакатларда кичик корхоналарни молиялаштириш манбалари бир-биридан фарқ қилади. Масалан, А.Суходолов ва И.Кульдюкованинг таҳлилларига кўра, “Кичик корхоналарни молиялаштириш Россия ва Европа иқтисодий ҳамкорлиги мамлакатларида молиялаштириш манбалари жиҳатидан аҳамиятли даражада фарқланади (1-жадвал)”⁶.

1-жадвал

Россия ва ЕИ мамлакатлари кичик бизнес корхоналарини молиялаштириш манбаларининг улуши, %*

Молиялаштириш манбалари	Россия	ЕИҲ мамлакатлари
Ўз маблағлари	35	7
Компаниялар учун банк кредитлари	21	60
Жисмоний шахслар учун банк кредитлари	15	-
Кредиторлик қарздорлиги	14	-
Нобанк ташкилотлар қарзлари	7	2
Лизинг	6	25
Давлат субсидиялари	2	2
Венчур фондлар маблағлари	-	4

* “ОПОРА”, “SME Access to Finance”, European Commission ташкилотлари маълумотлари бўйича.

Кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштириш тизими ўз ичига молиялаштириш манбалари ва молиялаштиришнинг ташкилий шаклларини олади.

Молиялаштириш манбаларини қуйидаги тарзда туркумлаш мумкин:

мулкчилик муносабатларига кўра: молиялаштиришнинг хусусий ва қарз манбалари;

мулкдорлар турлари бўйича: давлат ресурслари, юридик ва жисмоний шахслар маблағлари, хорижий манбалар;

⁶ Суходолов А.П., Кульдюкова И.В. Особенности финансирования субъектов малого бизнеса с применением лизинговой схемы // Известия ИГЭА, 2011. - №3 (77). – С.22-23.

вақт (муддат) тавсифи бўйича молиялаштириш манбалари: қисқа муддатли, узоқ муддатли ва муддатсиз.

Ушбу молиялаштириш манбалари турлари ўртасидаги нисбатни шаклланишининг кичик бизнес корхоналаридаги ўзига хос хусусиятларини қуйидаги жадвал орқали ифодалаш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Кичик бизнес корхоналарида молиялаштириш манбалари турлари ўртасидаги нисбатни шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари⁷

Молиялаштириш манбалари турлари	Кичик бизнес корхоналаридаги ўзига хос хусусиятлари
Хусусий ва қарз манбалари	- аксарият ҳолларда бошланғич капиталнинг ўз имкониятлари даражасидан келиб чиққан ҳолда молиялаштиришга бўлган уриниш натижасида хусусий манбалар улушининг нисбатан катталиги; - қарз манбалари таркибида жисмоний шахслар ва ҳомийлик маблағларининг аҳамиятли ўрин тутиши;
Давлат ресурслари, юридик ва жисмоний шахслар маблағлари, хорижий манбалар	- давлат дастурлари доирасида ажаратиладиган маблағларнинг барча кичик бизнес субъектларини қоплай ололмалиги; - хорижий инвесторлар учун тўғридан-тўғри инвестиция киритиш йўналишининг катта жозиба касб этмаслиги; - юридик ва жисмоний шахслар маблағлари улушининг нисбатан аҳамиятли бўлиши;
Қисқа муддатли, узоқ муддатли ва муддатсиз	- айланма маблағларга бўлган эҳтиёжнинг юқорилиги натижасида қисқа муддатли молиялаштириш манбаларнинг устувор равишда шаклланиши; - узоқ муддатли ва муддатсиз молиялаштириш манбаларининг нисбатан паст улуши.

Молиялаштиришнинг ташкилий шакллари қуйидаги йўналишларга ажратиш мумкин:

ўзини ўзи молиялаштириш (тақсимланмаган фойда, амортизация ажратмаси, резерв капитал, қўшимча капитал ва бошқ.);

акциядорлик ёки улуш асосида молиялаштириш (низом капиталида иштирок этиш, акцияларни сотиб олиш ва бошқ.);

қарз орқали молиялаштириш (банк кредитлари, облигацияларни жойлаштириш, лизинг ва бошқ.);

бюджетдан молиялаштириш (республика ва маҳаллий бюджетлардан қайтариш асосида кредитлаш, барча даражалардаги бюджетлардан тўловсиз асосдаги ассигнованиялар, мақсадли миллий инвестиция дастурлари ва ҳ.к.);

молиялаштиришнинг махсус шакллари (лойиҳавий молиялаштириш, венчур молиялаштириш, хорижий капитални жалб этган ҳолдаги молиялаштириш).

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, кичик бизнес корхоналарининг молиялаштириш тизими асосан бешта таркибий қисмдан иборат бўлади:

1. Ўзини ўзи молиялаштириш.
2. Капитал бозори механизмлари орқали тўғридан-тўғри молиялаштириш.
3. Банк орқали кредитлаш.
4. Бюджет орқали молиялаштириш.
5. Хўжалик субъектларини биргаликда молиялаштириш⁸.

⁷ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

⁸ Зарицкий А.Е. Способы финансирования предприятия / Финансы организаций. -

Адабиётларда кичик бизнесни молиялаштириш шакллариининг ижобий ва салбий томонларига алоҳида эътибор қаратилган (3-жадвал).

3-жадвал

Кичик бизнесни молиялаштириш шакллариининг ижобий ва салбий томонлари⁹

Шакллар	Ижобий	Салбий
Субсидиялар	Ресурсларнинг текинлиги	Ресурслар ҳажми чекланган, бюджетнинг тўлишидан боғлиқлик, маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан қатъий назорат, молиявий таъминлаш учун мўлжалланган лойиҳаларнинг қаттиқ танлови, лойиҳаларни танлашдаги усутворликларнинг ноаниқлиги, пул маблағлари ҳажмининг аҳамиятсизлиги;
Субвенциялар	Молияни етарли даражада узоқ муддатга жалб этиш қобилияти, ресурсларнинг текинлиги	якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан имтиёзли солиқ ставкасини қўллаш ҳуқуқидан фойдаланиш бўйича қўшимча чекловлар; тақдим этилган имтиёзлардан фойдаланиш тўғрисида қўшимча ҳисобот;
Солиқ имтиёзлари	Минтақаларнинг солиқ қаниқулларини белгилаш ҳуқуқи	
Давлат буюртмаси	Кичик тадбиркорлик субъектларига товар, иш, хизматлари умумий йиллик ҳажмининг 10 фоиздан кам ва 20 фоиздан кўп бўлмаган миқдорида давлат буюртмаларини тақдим этиш	Кичик тадбиркорлик субъектларида буюртмаларни жойлаштиришни кузатиш жараёнларининг статистик жиҳатдан таъминланишидаги камчиликларга кўра, давлат ва муниципал буюртманинг барча ҳажми ва умумий тартиб бўйича савдоларни ҳисобга олган ҳолда квотадан умумий фойдаланишни аниқлаш мушкул ҳисобланади.
Молиявий ижара (лизинг)	Кичик тадбиркорлик субъектлари турли тоифаларини мол-мулк бўйича эҳтиёжларининг қондирилиши	Мазкур соҳада ривожланган қонунчиликнинг мавжуд эмаслиги, пул маблағлар тақчиллигининг сақланиб қолиши
Факторинг	Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришнинг истикболли дастаги, тўловни кечиктириш шароитида экспортёрлар томонидан экспорт етказмаларини амалга оширишда айланма маблағларни қафолатсиз молиялаштиришнинг қулай ва самарали дастагидан фойдаланиш.	Юқори тезликда айланувчан маблағларга эга корхоналарга йўналтирилган, носавдо секторига йўналтирилган.
Банк кредитлари	ресурсларни жалб этишда сарфларнинг паст даражаси; инвестор томонидан ресурслардан фойдаланиш устидан жорий назоратнинг мавжуд эмаслиги; кредитни расмийлаштириш ва олишнинг тезкор таомили; қарз олиш ва қарзларни сўндиришнинг мослашувчан тизими; ҳажми бўйича етарли бўлган пул оқими тушгунга ва қарзларни аста-секин сўндиргунга қадар тўловни кечиктириб туриш имконияти.	жалб этилаётган ресурсларнинг юқори қиймати; таъминот (гаров, заклад, қафолат, васийлик)нинг талаб қилиниши; банк томонидан кредит ажратиш тўғрисида қарор қабул қилишда корхона молиявий ҳолатининг баҳоланиши; молиялаштиришнинг қисқа муддатли ва ўрта муддатли тавсифи; олинган қарзларнинг ўз вақтида сўндирилмаслиги ва фоиз тўлаш зарурати муносабати билан инвестиция фаолиятдан олинадиган фойданинг бир қисмини йўқотиш билан боғлиқ ҳолда банкротлик рискининг ошиши; қарз беришнинг ўрнатилган лимит даражасида чекланиши

Кичик бизнес корхоналарида молиялаштириш механизми самарадорлигини баҳолашда унинг услубий асосларини тўғри шакллантириш муҳим ўрин тутаяди. Жумладан, кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг самарадорлигини баҳолашда бир қатор қуйидаги жиҳатларни эътиборга олиш

<https://econ.wikireading.ru/12262>

⁹ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

мақсадга мувофиқ:

1) кредитларнинг иқтисодий жиҳатдан юқори наф келтирувчи фаолият турлари ёки тармоқларга ажратилганлиги.

2) кичик бизнес субъектлари фаолиятини кредитлашда уларнинг ижтимоий тавсифига ҳам эътибор қаратиш: нисбатан паст ривожланган, қолоқ ёки имкониятлар чекланган ҳудудлардаги тадбиркорлик фаолиятларини ҳам кредитлаш орқали қўллаб-қувватлаш;

3) кредитлаш жараёнларида мақсадлилиқ, таъминланганлик, муддатлилиқ, тўловлилиқ, қайтарилиши каби асосий тамойилларга риоя қилиниши ва ҳ.к.

Одатда ҳар бир тижорат банки кичик бизнес субъектларига кредит ресурсларини ажратишда бир қатор қуйидаги жиҳатлардан келиб чиқади:

1) мазкур тижорат банки ихтисослашув йўналишларида кичик бизнес субъектлари фаолиятига эътибор қаратилиш даражаси.

2) кичик бизнес субъектлари томонидан қилинган муурожаатлар ҳамда уларнинг иқтисодий нафлилиқ жиҳатдан жозибадорлиги;

3) тижорат банкларида бўш кредит ресурсларининг мавжудлиги.

Шунга кўра, тижорат банклари томонидан ажратилган кредит ресурслари ҳудуд ва тармоқлар (иқтисодий фаолият турлари) бўйича сезиларли даражада фарқланиши мумкин. Ушбу фарқланиш бир қатор қуйидаги салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин:

айрим ҳудуд ёки тармоқларга кредит ресурслари ортиқча ажратилгани ҳолда, бошқаларида ресурслар тақчиллигининг вужудга келиши;

кредит ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги даражасидаги кескин тебранишларнинг рўй бериши;

ҳудуд жиҳатдан дискриминация ҳолатларининг пайдо бўлиши.

Бундай салбий ҳолат ва оқибатларни вужудга келишининг олдини олиш мақсадида ҳудудлар ва иқтисодий фаолият турлари (тармоқлар) бўйича кредит ажратилиш ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш даражасини ўрганиб бориш муҳим ҳисобланади. Бу борада қуйидаги асосий йўналишларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

йиллар давомида ажратилган кредит ресурсларининг ҳажм (улуш) жиҳатидан маромийлиги ва барқарорлигини ўрганиш;

ҳудудлар ва иқтисодий фаолият турлари (тармоқлар) бўйича бир бирлик кредит ресурси ҳисобига тўғри келувчи натижалар (мас., яратилган иш ўрни, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ва ҳ.к.)нинг салмоқлилиқ даражасини таққослаш;

кредит ресурсларини ажратиш жараёнларининг самарадорлиги ва барқарорлигини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Диссертация ишида ҳудудлар ва иқтисодий фаолият турлари (тармоқлар) бўйича кичик бизнес субъектларига кредит ажратилиш ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш даражасини баҳолаш бўйича услубий ёндашувлар ишлаб чиқилган ҳамда қуйидаги қатор кўрсаткичларни қўллаш тавсия этилган (4-жадвал).

Худудлар ва иқтисодий фаолият турлари (тармоқлар) бўйича кичик бизнес субъектларига кредит ажратилиш ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш даражасини баҳолаш кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Ҳисоблаш усули	Шартли белгилар
1. Худуд (шаҳар, туман) ва иқтисодий фаолият турлари бўйича ажратилган кредитлар сонида сезиларли тафовутларнинг мавжудлиги.		
Худуд ёки иқтисодий фаолият тури бўйича ажратилган кредитлар сонининг жами кредитлар сони таркибидаги солиштирма салмоғи	$KC_{ci} = \frac{KC_i}{KC_{\text{ж}}} \times 100\%$	<p>KC_{ci} – i-худуд ёки иқтисодий фаолият тури бўйича ажратилган кредитлар сонининг жами кредитлар сони таркибидаги солиштирма салмоғи;</p> <p>KC_i – i-худуд ёки иқтисодий фаолият тури бўйича ажратилган кредитлар сони;</p> <p>$KC_{\text{ж}}$ – барча худудлар ёки иқтисодий фаолият турлари бўйича жами ажратилган кредитлар сони.</p>
Худуд ёки иқтисодий фаолият тури бўйича ажратилган кредитлар суммасининг жами кредитлар суммаси таркибидаги солиштирма салмоғи	$КСум_{ci} = \frac{КСум_i}{КСум_{\text{ж}}} \times 100\%$	<p>$КСум_{ci}$ – i-иқтисодий фаолият тури бўйича ажратилган кредитлар суммасининг жами кредитлар суммаси таркибидаги солиштирма салмоғи;</p> <p>$КСум_i$ – i-иқтисодий фаолият тури бўйича ажратилган кредитлар суммаси;</p> <p>$КСум_{\text{ж}}$ – барча иқтисодий фаолият турлари бўйича жами ажратилган кредитлар суммаси.</p>
2. Худуд ва иқтисодий фаолият турлари бўйича ажратилган кредитлар суммасининг ўртача ҳажмидаги кескин тафовутларнинг мавжудлиги.		
Худуд (тармоқ) кичик бизнес корхоналари учун ажратилган кредитлар ўртача суммаси	$K_{\text{ўс}} = \frac{K_{\text{ус}}}{K_r}$	<p>$K_{\text{ўс}}$ – худуд (тармоқ) кичик бизнес корхоналари учун ажратилган кредитлар ўртача суммаси;</p> <p>$K_{\text{ус}}$ - худуд (тармоқ) кичик бизнес корхоналари учун ажратилган кредитлар умумий суммаси;</p> <p>K_r - худуд (тармоқ)даги кичик бизнес корхоналарига ажратилган кредитлар сони.</p>
3. Худуд ва иқтисодий фаолият турлари бўйича ажратилган кредитлар суммасининг асосий иқтисодий фаоллик кўрсаткичлар билан боғлиқлигидаги тафовутлар.		
Худуд ёки фаолият тури бўйича кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитнинг солиштирма салмоғи индекси билан муайян асосий иқтисодий фаоллик кўрсаткичининг солиштирма салмоғи индекси ўртасидаги нисбат	$H_{ii} = \frac{K_{ii}}{ИФK_{ii}}$	<p>H_{ii} – i худуд ёки фаолият тури бўйича кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитнинг солиштирма салмоғи индекси билан муайян асосий иқтисодий фаоллик кўрсаткичининг солиштирма салмоғи индекси ўртасидаги нисбат;</p> <p>K_{ii} – i худуд ёки фаолият тури бўйича кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитнинг солиштирма салмоғи индекси;</p> <p>$ИФK_{ii}$ – i худуд ёки фаолият тури бўйича кичик бизнес субъектлари муайян асосий иқтисодий фаоллик кўрсаткичи ҳажмининг солиштирма салмоғи индекси.</p>
4. Кичик бизнес субъектларининг худуд ва иқтисодий фаолият турлари бўйича ажратилган кредитлардан фойдаланиш самарадорлигидаги тафовутлар.		
Кичик бизнес субъектларига тақдим этилган 1 сўмлик кредит ресурсига тўғри келувчи маҳсулот ҳажми	$MX_{Ki} = \frac{MX_i}{K_i}$	<p>MX_{Ki} – i худуд ёки фаолият тури бўйича кичик бизнес субъектларига тақдим этилган 1 сўмлик кредит ресурсига тўғри келувчи маҳсулот ҳажми;</p> <p>MX_i – i худуд ёки фаолият тури бўйича кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;</p> <p>K_i – i худуд ёки фаолият тури бўйича кичик бизнес субъектларига тақдим этилган кредит ресурси ҳажми.</p>
Кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган 1 сўмлик маҳсулот ҳажмига тўғри келувчи кредит ресурси қиймати	$K_{MXi} = \frac{K_i}{MX_i}$	<p>K_{MXi} – i худуд ёки фаолият тури бўйича кичик бизнес субъектларига тақдим этилган 1 сўмлик кредит ресурсига тўғри келувчи маҳсулот ҳажми;</p> <p>MX_i – i худуд ёки фаолият тури бўйича кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;</p> <p>K_i – i худуд ёки фаолият тури бўйича кичик бизнес субъектларига тақдим этилган кредит ресурси ҳажми.</p>

Диссертациянинг “Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштириш ҳолати” деб номланган иккинчи бобида Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштириш ҳолати таҳлил қилинган, соҳа фаолиятининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари, корхоналар фаолиятини молиялаштиришдаги асосий тенденция ва йўналишлар, молиялаштириш механизмининг самарадорлиги даражаси тадқиқ этилган.

Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал суръатларда ривожланмоқда. Буни республикадаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича 2016-2020 йиллар давомидаги олдинги йилга нисбатан ҳамда ўртача йиллик ўсиш суръати маълумотлари орқали баҳолаш мумкин (5-жадвал).

5-жадвал

Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича олдинги йилга нисбатан ҳамда ўртача йиллик ўсиш суръати¹⁰

Кўрсаткич	2017	2018	2019	2020	Ўртача йиллик ўсиш суръати
Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари (ишлар, хизматлар) ҳажми, млрд. сўм	112,6	120,5	162,5	113,5	127,3
Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми, млрд. сўм	118,2	122,8	138,7	126,1	126,5
Бажарилган қурилиш ишлари ҳажми, млрд. сўм	101,4	116,0	175,7	154,7	137,0
Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми, млрд. сўм	89,6	155,0	188,5	161,2	148,6
Чакана савдо айланмаси ҳажми, млрд. сўм	128,1	117,3	124,3	125,3	123,7
Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) бозор хизматлар ҳажми, млрд. сўм	126,3	113,0	119,2	116,1	118,6
Автомобил транспортида юк ташиш ҳажми, млн. тонна	111,6	105,7	119,2	111,2	111,9
Автомобил транспорти юк айланмаси, млн. тонна-км	105,5	104,5	108,0	108,2	106,6
Автомобил транспортида йўловчи ташиш ҳажми, млн. йўловчи	109,1	105,1	105,7	101,7	105,4
Автомобил транспорти йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	107,4	102,8	102,9	101,9	103,7
Товарлар ва хизматлар экспорти, млн. долл.	119,9	123,1	117,0	188,7	137,2
Товарлар ва хизматлар импорти, млн. долл.	106,2	169,6	227,4	110,0	153,3
КБХТда банд бўлганлар сони, минг киши	102,2	101,3	109,6	100,2	103,3

Тадқиқотчи фикрича, кичик бизнес субъектлари фаолиятини самарали молиялаштириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштириш борасида мавжуд бўлган чеклов ва тўсиқларни бартараф этиш орқали имкон қадар юқори эркинликни таъминлаш;

¹⁰ Жадвал муаллиф томонидан қуйидаги манба асосида тузилган: Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик. 2015-2019 йиллар. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Тошкент, 2019.

молиялаштиришда банк секторининг фаолигини ошириш билан бир қаторда нобанк молиялаштириш турларини ҳам алоҳида ривожлантиришга эътибор қаратиш;

кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришда йирик корхоналар ва аҳолининг фаол иштирокини рағбатлантирувчи механизмларни шакллантириш ва ҳ.к.

Диссертация ишида тадқиқотчи томонидан шахсий муаллифлик ёндашуви асосида Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнес корхоналари фаолиятини молиялаштиришдаги асосий тенденция ва йўналишлар таҳлили амалга оширилди. Таҳлилни амалга ошириш кетма-кетлигини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1) республика туманлари бўйича ажратилган кредитлар сонининг жами кредитлар сони таркибидаги солиштирма салмоғи ҳисоблаб чиқилди;

2) республикадаги иқтисодий фаолият турлари бўйича бўйича ажратилган кредитлар сонининг жами кредитлар сони таркибидаги солиштирма салмоғи ҳисоблаб чиқилди;

3) республика туманлари бўйича ажратилган кредитлар суммасининг жами кредитлар суммаси таркибидаги солиштирма салмоғи баҳоланди;

4) республикада тижорат банклари томонидан иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар суммаси ва салмоғини таҳлил қилинди;

5) республикадаги кичик бизнес корхоналарига иқтисодий фаолият турлари бўйича ажратилган кредитлар суммаси ўртача ҳажмида кескин тафовутларнинг мавжудлиги саноат ва ишлаб чиқариш, қурилиш, транспорт ва алоқа, қишлоқ хўжалиги, савдо, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқлар бўйича аниқланди;

б) иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларнинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми бўйича мутаносиб тақсимланганлигини баҳолаш ажратилган кредитнинг солиштирма салмоғи индекси билан ишлаб чиқариш йиллик ҳажмининг солиштирма салмоғи индекси ўртасидаги нисбатни аниқлаш орқали амалга оширилди (6-жадвал).

6-жадвал

Иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларнинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми бўйича мутаносиб тақсимланганлиги (2020 йил)¹¹

Иқтисодий фаолият тури	Ажратилган кредитнинг		Ишлаб чиқаришнинг		Индекслар нисбати (3 уст. /5 уст.)
	суммаси, млн. сўм	солиштирма салмоғи индекси	йиллик ҳажми, млрд. сўм	солиштирма салмоғи индекси	
1	2	3	4	5	6
Саноат ва ишлаб чиқариш	329772	0,211	14144,8	0,371	0,569
Қурилиш	83988	0,054	3785,9	0,099	0,541

¹¹ Қорақалпоғистон Республикаси Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

6-жадвал давоми

Транспорт ва алоқа	51514	0,033	1700,2	0,045	0,739
Қишлоқ хўжалиги	437360	0,280	10444	0,274	1,021
Савдо	309303	0,198	1494,1	0,039	5,048
Хизмат кўрсатиш	349604	0,224	6508,9	0,171	1,310
Жами	1561541	1,000	38077,9	1,000	1,000

Жадвал маълумотларидан кўринадики, қишлоқ хўжалиги (индекслар нисбати 1,021 га тенг) ва хизмат кўрсатиш (1,310) тармоқларида ажратилган кредитнинг солиштира салмоғи индекси билан ишлаб чиқариш йиллик ҳажмининг солиштира салмоғи индекси ўртасидаги нисбат 1 га яқин. Саноат ва ишлаб чиқариш (0,569), қурилиш (0,541), транспорт ва алоқа (0,739) тармоқларида кредит ажратиш етарли нисбатда бўлмаса, савдо тармоғида (5,048) эса, аксинча, ажратилган кредитлар ҳажми мутаносиблик меъёридан 5 барабар ошиб кетган;

7) республика ҳудудлари кесимида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларнинг иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари бўйича мутаносиб тақсимланганлиги таҳлили амалга оширилди (7-жадвал).

7-жадвал

Ҳудудлар бўйича кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларнинг иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари бўйича мутаносиб тақсимланганлиги (2020 йил)¹²

Ҳудуд	Саноат	Қурилиш	Транспорт ва алоқа	Қишлоқ хўжалиги	Савдо	Хизмат кўрсатиш	Инвестиция	Доимий аҳоли сони	КБ корхоналари сони
Республика бўйича	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000
Нукус ш.	0,712	1,230	1,090	60,609	1,538	0,939	2,787	2,343	1,388
Амударё	2,403	1,564	2,059	0,386	0,825	1,279	1,939	0,668	0,962
Беруний	1,755	0,771	1,041	0,356	0,596	0,829	1,028	0,443	0,537
Бўзатов	0,512	0,290	2,578	0,252	0,647	0,918	0,357	0,375	0,326
Қонликўл	0,520	0,560	1,132	0,344	0,758	0,886	0,665	0,453	0,462
Қораўзак	0,982	0,975	0,795	0,406	0,577	0,774	0,663	0,536	0,503
Кегейли	0,860	0,716	1,047	0,509	0,656	0,975	1,152	0,503	0,676
Қўнғирот	1,115	0,524	0,163	0,991	0,668	0,376	0,423	0,749	0,885
Мўйноқ	1,976	0,371	1,637	0,774	0,760	1,297	0,063	1,072	0,695
Нукус	1,185	0,454	1,293	0,627	0,828	1,206	1,033	0,870	0,509
Тахياتош	0,566	1,407	5,634	3,048	1,894	2,953	0,956	1,767	2,079
Тахтақўпир	2,020	1,284	1,679	0,876	1,426	1,798	2,192	1,377	1,366
Тўрткўл	4,251	1,332	2,631	1,106	1,134	1,748	1,430	1,072	1,178
Хўжайли	1,181	0,635	1,170	0,773	0,523	0,801	1,700	0,576	0,751
Чимбой	1,382	1,152	1,191	0,279	0,543	0,798	0,930	0,416	0,624
Шуманай	1,324	0,917	1,243	0,410	0,693	0,984	1,020	0,500	0,569
Элликқалъа	2,264	1,240	1,881	0,474	0,686	1,205	1,134	0,626	0,857

8) республикада кичик бизнес субъектларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича ажратилган кредитлардан фойдаланиш самарадорлигидаги тафовутлар кичик бизнес субъектларига тақдим этилган 1 сўмлик кредит ресурсига тўғри келувчи маҳсулот ҳажми орқали баҳоланди (8-жадвал).

¹² Қорақалпоғистон Республикаси Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик бизнес субъектларига ажратилган 1 сўмлик кредит ресурсига тўғри келувчи маҳсулот ҳажми (2020 йил)¹³

Иқтисодий фаолият тури	1 сўмлик кредитга тўғри келувчи маҳсулот ҳажми, сўм
